

ЭЙФЕЛЬ МИНОРАСИГА ТАШРИФ

Шу йилнинг сентябрь ойида уч баланд минора — Останкино, Тошкент ва Ленинград телеминоралари раҳбарлари Францияда бўлиб, меҳмонлар ва сайёҳларни кутиб, минорадан тижорат ишларида фойдаланиш ва иш тажрибалари билан ур-тоқлашни мақсадида машҳур Эйфель минорасига ташриф буюрган эдик.

Эйфель минорасида давлат телевиденнеси қатори тижорат телевиденнесининг ҳам кўрсатувлари олиб борилад, станциялар сони кўрсатувларнинг долзарблигига қараб ўзгартириб турар экан.

ЭНГ БАЛАНД—ЭНГ ЧИРОЙЛИМИ?

ПАРИЖ ШАБАДАСИ ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ ҲИЛПИРАТАДИ

Эйфель минорасида бўлиб ўтган йиғилишлардан бирида мен Тошкент телеминораси ҳақида гапириб бердим. Ўзининг минорамиз ҳам кўнчилик ҳамкасбларимизда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу йиғилишда жаҳоннинг ноёб баланд миноралари уюшмасининг навбатдаги анжуманида Тошкент телеминорасини уюшмага киритиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш таклифи киритилган эди.

Яқинда биз 1-3 октябрь кунлари Голландиянинг Роттердам шаҳрида бўлиб ўтган жаҳоннинг ноёб баланд миноралари уюшмаси Бош Ассамблеясида Тошкент ва Барселона телеминоралари уюшма талабларига жавоб берадиган деб топилгани ва унинг аъзолигига киритилгани ҳақидаги расмий ҳужжатларни олдик. Тошкент телеминораси Уюшма аъзоси бўлган 18 минора ичида баландлиги бўйича 4 уринини олибди. Анъана бўйича эди Ўзбекистон жумҳуриятининг байроғи Эйфель минорасида ҳилпираб туради.

Фурсатдан фойдаланиб, мен барча ҳамкасбларимни, пойтахт аҳолисини, Тошкент телеминораси ижодкорлари ва қурувчиларини миноранинг жаҳон миқёсида тан олингани билан қутлаб, барчага янги ижодий зафарлар тилайман.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИГА ТАШРИФ БУЮРИНГ

Уюшма аъзоси бўлиш телеминора ходимларига меҳмонлар, сайёҳларни кутиб, техника ва технологиянинг барча масалалари бўйича жаҳон даражасига етишниши вазифа қилиб юклайди. Шунинг учун биз ҳозирги кунда телеминора меҳмонларига кўрсатиладиган хизматни кенгайтириш, шарт-шароитларни яхшилашга катта эътибор бераёلمиз. Минора ҳудуди ободонлаштириляпти, Тошкент телеминораси рамзидаги кичик ёдгорликлар савдосини йўлга қўйиш режалаштириляпти.

Яқинда Қизил залини таъинлаш ишлари тугатилди, унинг ҳозирги кўриниши олдингисидан анча фарқ қилади. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб бу ерга меҳмонлар ташриф буюришлари мумкин. Бу тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари учун бизнинг янги йил совғамиз бўлади.

Меҳмонларнинг ресторанда бўлишлари 1,5 соатгача узайтирилади. Минорада бўлиш умумий вақти 2 соатлигича қолади. Кириш патталари ҳозирча эски нархда, катталар учун — 2,40 ти-йин, болалар ва 16 ёшгача бўлган ўсмирлар, талабалар ва аскарлар учун — 80 ти-йин, ресторанга кириш — 10 сўм Патталарни телеминора сайёҳлик хизмати кассасидан (Энгельс кўчаси, 108-уй) ёки 35-08-85 телефони орқали буюртма бериб сотиб олиш мумкин.

Умида ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар радио-телевидение узатиш маркази бошлиғи.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● ХОНАДАГИ бўёқ ҳиддан тезроқ қутулишни истасангиз, у ерга совуқ суя тўла челакини ёки бир неча банка ош тузини 2—3 кун қўйиб қўйинг.

● АГАР шкаф қутисидан нохуш ҳид пайдо бўлса, у ерга бир неча бўлак pista кўмирни қўйинг. Қарабемиз, 2—3 кун ўтар-ўтмас ҳиддан асар қолмайди.

● ХОНАДАГИ тамаки ҳиддан ҳалос бўлишни истасангиз, бунинг осон йўли бор: совуқ суя билан тўлган бир неча сочиқни қўйсангиз икфоя.

● ТЕРМОСДАГИ нохуш ҳидни йўқотиш учун уни сирка солинган суя билан ювиб ташлаш лозим бўлади. Бунинг учун бир стакан суяга бир чой қошиқ сирка аралаштирасиз.

● БИЛЛУР ва шиша идишлари ярақатлигининг ҳам жуда осон усули бор. Уларни сирка солинган совуқ суя билан чайиш лозим. Бир литр суяга бир ош қошиғида сирка қўшасиз.

● НИКЕЛЛАНМАГАН идишлардаги ёғ юқи нашатир спирти қўшилган совуқ суя билан ювилади. Бунинг учун бир литр суяга бир чой қошиғида спирт қўшилади.

● АГАР алюминий идишнинг деворлари қорайиб қолса, бундай жойларни суя сиркали суяга ёки кальцийлаштирилган соданинг 5—10 фоизли аралашмасига ҳўланган латта билан артиш лозим. Шундан кейин идиш нисси суя билан обдон ювиб ташланади.

● АЛЮМИНИЙ настрипларин ювганда суяга бир неча томчи нашатир спирти қўшилса, идиш ярақаб чиқади.

● ЯНГИ сирланган идиш узок вақт хизмат қилсин десангиз, унда номмақ қайнатинг. Бир литр суяга 5 чой қошиқ ош тузи солисиз.


● ТАОМ камроқ қорайсин десангиз, янги тогани ёғ солиб қиздириш, сўнгра йирикроқ ош тузи билан ишқалаи.

Мухаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ...



— Яқинда ойим билан дадам маошларини қўшиб менга ҳам қўйлак-шим олиб беришмоқчи...



— Талонига арақ ололмаётганлигига шунчаликми? Бошқаларга раҳмат, ойлаб ҳеч нарса ололиссалар ҳам «ғиринг» дейишмайди-я.




— Намунча кўп муруч сепгансиз?
— Тагин сомсанинг наза-сини сезиб қолиб қийналиб юрманг дедим-да, ана.
Расмларни Ш. СУВХОНОВ чизган.

БОШҚОТИРМА

1. Ўзбекистондаги энг катта кент. 2. Дунёда аҳолиси энг кўп пойтахтлардан бири. 3. Энг улук зот. 4. Ер қурра-сининг энг серсув дарёси. 5. Энг катта ярим орол. 6. Амрико қитъасидаги энг улкан шаршара. 7. Энг баҳайбат илон. 8. Энг кучли музёрар кемалардан бири. 9. Энг кўҳна пойтахт шаҳар. 10. Ов-рўподаги худуди энг кичик мамлакат. 11. Энг бепойн музлик ўлкаси. 12. Араб алифбосидаги энг биринчи ҳарф. 13. Мамлакатимиздаги энг катта музлик номи. 14. Сайёрамиздаги энг совуқ маскан. 15. Энг узун дарё. 16. Коинотга илк парвоз этган жонивор лақаби. 17. Урта Осиёдаги энг қадимий китоб. 18. Энг қаттиқ ва қимматбаҳо маъдан. 19. Энг биринчи бошқариладиган орбитал илмий станция.

Ф. ОРИПОВ тузган.



«ИСТИҚБОЛ» Ешлар Маркази ва Қибрай яхна ичимликлар комбинати қошидаги «ЮЛДУЗ» маданият маркази ҳамкорлигида
11 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 да,
12 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00 ва 19.00 да
ЮЛДУЗХОНИМ АБДУЛЛАЕВАННИНГ
Соғинаман, йўлга қарайман деб номланган
КОНЦЕРТИНИ
Ўтгазди:
ДАСТУРДА:
хонанда
Доһиёр МИРЗААХМЕТОВ,
«Қизилчи—90» таълимининг дипломанти
Авазжон ТОЛИЕЖОНОВлар
ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.
Дастурини Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Чипталар соат 11.00 дан бошлаб сарой чиптахоналарида, метронинг «Пахтакор», «Октябрь инқилоби», «Максим Горький» беназларида сотилади.
Маълумотлар учун телефон: 45-92-13.



КАЛИНИН

29 ДЕКАБРЬ куня Узбекистон Республикаси Президенти сайлов ва мустақиллик референдуми Қалинин ноҳиясида ҳам уюшқоқлик билан ўтди. Биз шу куня райондаги бир қатор сайлов участкаларида бўдик. Бунда халқимиз масаланинг моҳиятини яхши тушуниб, сайлов ва референдумга масъулия билан ёндошганлиги кўриниб турарди. Айниқса, Ойбек номи 14-ўрта умумий таълим фан-техника мактабига жойлашган 12-Ф. Пулатов номи 36-ўрта мактабдаги 36-сайлов участкаларида овоз бериш барвақт янгуллади.

Биз ана шу сайлов участкаларида бир гуруҳ овоз берувчилар билан суҳбат қурдик.

— Мени оналар ва болаларимизнинг тақдир кўпроқ қизиқтиради, — деди Тошкент вилоят болалар шифо-

хонасидаги «тез ёрдам» хизмати ходими Турсуной Султонова. — Бу борада ҳам хўрлик кўрсатаётган ва қўшимча имтиёзлар берилиши йўлида қайғураётган ҳозирги Президентимиз Ислам Каримов учун овоз бердим. Истаганим, янги йилда оналар ва болалар муҳофазаси янада мустаҳкамланади. Дуқонларимизда маъмурчилик бўлади.

Ҳассага суюниб турган отахон ўзларини Ҳисомиддин Низомовман, деб таништирадилар.

— Эшим икки кам тўқсонда. Бутун биз овуз қилган Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги учун овоз берилмоқда — болам, дедилар у киши мамнуният билан. — Шукурлар бўлсинки, худойим бериб, мана шундай мустақилликка эришганлигининг гувоҳи бўдим. Динимизни, имонимизни, тили-

мизни қайтаришди. Мана, бутун дунё мамлакатлари Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида тан олмақда. Илоий биз қўрмаган рўшномликларни, Ўзбекистоннинг яхши кўнларини ёшларимиз кўришсин. Уни яна ҳам кўдратлироқ қилишсин. Кимга овоз бериш масаласига келсак, Ислам Каримовни қўладим. У кишининг қилаётган барча ишлари менга маъқул. Ягона истогим унинг ён-атрофидагилар ҳам у билан бирга бўлиб, яқинлиги билан иш қўришса Ўзбекистон жуда қисқа фурсатда илгорлар қаторидан жой олади, турмушимиз фаровонлашиб кетади.

Биз шу куня жуда кўпчилик билан суҳбатда бўдик. Улар ўзларининг ҳолис наияларини, билдирдилар, Ўзбекистон мустақиллигини қўлаб-қувватладилар.

А. ДАВРОНОВ.



ПАРКЕНТ

29 ДЕКАБРЬ. Ҳисарак қишлоғи аҳолиси эрталаб соат олтида сурнай садолари остида уйғона бошлади. Ҳамама жонанон ва танимизнинг мустақиллиги ва унинг Президентига овоз бериш учун 12-ўрта мактабга жойлашган 20-сайлов участкасига ошқарди. Ҳали соат миллари етти бўлмастан, кўпчилик сайлов участкасига кириб келди. Мактаб биринчи бўлиб Ўзбекистон жумҳуриятининг ўн икки юлдузли байроғи қўйилди. Ҳ. Авагов раислигидаги сайлов комиссияси аъзолари бу байрамга пухта тайёргарлик кўрганликларини сезилиб турарди.

— Ҳисарак болажон қишлоқ, шунинг учун ёш болалар оналарга алоҳида хо-

на ажратилиб, овоз беришлари учун ҳамма шароитлар яратилди, — деди Ҳисомиддин ака. — Участкамиз бўйича 2360 нафар сайловчи бўлиб, улардан 51 нафари биринчи маротаба катнашиб, овоз бермоқдалар.

Биринчилар қатори Ҳисарак қишлоғи Соҳ маҳалла кўмитаси раиси Мирсамат Баратов ўз оила аъзолари билан кириб келди.

— Улур айёмлар билан табриклайман Мирсамат ака, 1992 йилдан қандай умидингиз бор?

— Авваламбор юртимиз тинч бўлсин. Ўзбекистоннинг эртанги кунни ҳақида гапирилган бўлса мен Президентимизга ишонман. Кейинги суҳбатдошим Зах-

ро Тўлапова биринчи марта овоз бераётган экан. — Синглим, сир бўлмас, айтингчи, кимга овоз бермоқчисиз?

— Қишлоқ аҳолисининг яшаш учун шароит яратиб бераётган, ўзбек халқининг бери-икки бўлармикан деб гапхўрлик қилиб юрган Ислам Каримовга овоз бермоқчиман.

Ҳисаракликларнинг тилида, кўзюзи Ислам Каримовга бўлган катта умид ва ишонч сезилиб турарди.

СУРАТДА: сайловчилар Захро Тўлапова ва Мирсамат Баратовлар овоз бермоқда.

СУРАТЛАРДА: райондаги 36-сайлов участкасида 88 ёшли Ҳисомиддин ота Низомов ва Ш. Искандаров овоз бермоқда; болалар шифохонаси ходими Т. Султонова сайлов қутиси олдида; шу участка аъзоси Ш. Войтов 98 ёшли онахон Жамолой Муҳамедованинг уйига ташраф буюриб, унинг фуқаролик бурчини бажаришида қўмақлашмоқда.

Суратнам Д. АҲМАД.



ЎРТА ЧИРЧИҚ

ЎРТАЧИРЧИҚЛИКЛАР Президент сайловини зўр уюшқоқлик билан ўтказдилар. 45 та сайлов участкасида 71 мингдан зиёд киши ўзларини танлаган номзод учун овоз бердилар.

Соат 10.00 дақиқатга жами сайловчиларнинг 89258 нафари рўйхатдан ўтди.

— Мен Ислам Каримов учун овоз бердим, — деди Маънува Қасимова. — Чунки у киши яқин оғирликни пухта билладиган, тadbиркор, раҳбарлик таърибасига эга инсондир. Шу кунгача Каримов бошчилигида амалга оширилган тadbирлар Ўзбекистон фуқароларининг турмуш даражасини яхшилашга, ҳозирги танг аҳволдан осои-омон чиқиб олишмига муваффақлангандир.

— Ислам Каримов халқпарвар раҳбар, — деди Улуг Ватан уруши қатнашчиси Галимжон Салижанов. — У кейинги йилларда уруш қатнашчиларига қатор имтиёзлар яратибди ната ташлаб-бус кўрсатди. Ногирон, нафаҳхўрларнинг ҳар ойда оладиган пул миқдорини анча

оширди. Бу ҳозирги пайтда жуда муҳимдир. Кейинги вақтларда эълон қилинган қатор фармонлар халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга қўмақ беради деб умид қиламан.

Ноҳия меҳнаткашларининг асосий қисми куннинг биринчи ярмида ўз номзодлари ва Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун овоз бериб бўлдилар.

— Сайловни уюшқоқлик билан ўтиши учун катта тайёргарлик «ишларни» олиб бордик, — деди ноҳия Кенгашининг катта референти Суяра Қурбонқуллов. — Хар бир сайлов участкасига етарли миқдорда қизил мато, ёзув қозоғи, ёзув лентаси, Президентликка номзодларнинг таржиман-қолларини ва дастури ёзилган қозоғлар тарқатилди. Номзодларнинг ташвиҳотида ҳолисликка интилдик. Деярли хар бир сайлов участкасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва «Эри» демократик партиясидан вакиллар иштирок этишди.

Х. СУЛАЙМОНОВ.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ

...Ноҳият Ўзбекистон халқлари тарихида ёзилб, абду-абду қолажак 1991 йилнинг 29 декабри остана қатлаб ўтди. Тарихий айём ҳисобланган бу кунда ўзбекистонликлар кил бор нафақат ўз Президентини сайлашди. Валли ўз келажаклари учун ҳам овоз бердилар.

Юқори Чирчиқнинг меҳнаткашлар бу кунни ўзгача қарши олдилар. Тоғи соат 7.00 дан бошлаб мавжуд 32 та сайлов участкаларида одамлар қанчали уюшмади.

Соат ропна-роса 9.00. Ноҳия сайлов ўтказиш штабидамиз. Штаб бошлиғи, ноҳия Кенгаши раиси, муовини Альбина Войназарова бутунги муҳим тadbирга катта тайёргарлик кўрилганлигини, барча хўналишлар, норқон ва ташкилотларда муқоабил номзодларнинг дастурлари ҳамда улар ҳақидаги маълумотлар одамларга ўз вақтида етказилганлиги, номзодларнинг режалари овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганлигини баъбар қолдирмастлигини маълум қилди.

Хб, бунинг иботини дастлаб олинган маълумотлардан билса бўлади. Соат 9.00 гаца ноҳияда сайловда овоз берувчи 47 минг 868 кишининг қарийб 37,9 фоизини иштирок этган бўлса, 11.00 да бу кўрсаткич 74,5 фоизни ташкил этди.

Янгитибозордаги 23 сайлов участкасида сайловчиларини суҳбатта тортидик.

— Ноҳия икки ишлар бўлими бошлиғи муовини Убайдулла Абдуллаев бўлам, Сир тутадиган мойи йўл, Каримов учун овоз бердим. Негаки, унинг олиб бо-

райтган ички, ташқи, иқтисодий, ҳуқуқий йўналишлардаги сисбат халқ дилгига яқин. Қолаверса бутун маммоим билан унинг номзоди учун овоз беришга қарор қилганмииз. Қароримиз қатъий...

— Кеңирасиз, сиз-чи? — сурадик ўзини икки деб таништирган сайловчилардан.

— Мухаммад. Солиқ ва мустақиллик учун...

— Мен Ислам Абдуғаниевич Каримов номзоди учун овоз бердим, — деди ўн-ўнчи Дамира Вилданова. — Чунки у халқпарвар, эл дардига қўлоқ тутадиган инсон. Биз эътиборга қилиш ишларини учун талайгина қўлайликлар яратиб берди. Уйлайманки, бу чегара эмас. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги 32 сайлов участкасида бўлганимизда, овоз бериш жойида одамлар анча сийрақлашиб қолган эди. Вақт эса айни тушлик пайти.

— Участкамизда жами 1457 киши Президент сайлов ва Республика референдумида иштирок этиши керак, — деди участка сайлов комиссияси раиси Юрий Кан. — Ҳозиргача деярли 90 фоизини келиб кетишди. Шахсан Уам Каримов учун овоз бердим.

Юқори Чирчиқ ноҳияси аҳолиси ўз она юртининг келажак, тақдир қандай бўлиши кераклигига баъбар қарамади. Кечкурунги дастлабги тахминий ҳисоб-китобларга қараганда сайловчиларнинг 97 фоиздан кўпроги бу тарихий анжуманда иштирок этди.

Х. ШАҒОАТОВ.

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДАГИ СУҲБАТ

АСЛИНИ олганда-ку, хар бир кунимиз «чопа-чоп, югур-югур» билан ўтаётган бўлиб қолган. Айниқса, шу кунларда ташвишимиз яна биттага қўйилган. Бу ҳам бўлса янги — 1992 йили кунли олиш учун кўриладиган байрам тadbирини, унинг «югур-югур».

— Вой, ўрқилай, — деб қолди кишини аёл, — биз-ку, ўйин-қўлини ёшдан ўтиб қолдик, аммо болаларнинг кўнглини нозик-чи!

— Тўри айтавиз, овсин, — деди бошқаси, — шунга айтсалар керак-да, боланинг — подшолик, бола — подшо, деб.

Хўш, вилоятимиздаги подшолар — болаларга янги йилда қандай совға тайёрланапти? Бу ҳақда ва умуман шу мавзуда вилоят матбуот жамиятининг раиси Мухаммаджон ЗОКИРОВА бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Албатта, — деб гап бошлади М. Зокиров, — бундай вақтда, айниқса, болаларин эсдан чиқариб бўлармиди?! Янги йил совғаларини тайёрлаб қўйганимиз. Жами 600 мингга яқин совға тарқатишни режалаштирганимиз.

— Галимжон билганим учун узр, лекин бир нарсани аниқлаш керак. Аввало, совганинг ната-ничига бўлмайди, лекин совға ҳам хар кил-да! Демократик, саддагани бола яхши» қабилида ҳам иш тутадиганлар йўқ эмас.

— Келинг, совғалар тарқатиш ва нархи ҳақида гапирай. Сунгра хўласа чиқарсиз. Ширинлик (конфет)лар, бир ўрамдан печенье ва вафли, ёнқоқ, олма, мандарин (ёни кўрмо), шўларнинг ҳаммаси битта совға. Битта совганинг нархи 4 ярим — 5 сўмдан 7 сўмгача. Ва бу пулни кўп жойларда маҳаллий ҳокимият ва насаба уюшмалари тўламоқдалар. Бундан таш-

қари вилоят болалар жамғармаси бўлимига ҳам 20 мингга янги йил совғаси тайёрлаб бердик. Улар бу совғаларини ўз ҳисобларидан беғул тарқатадилар. Хўласа, тоғган гул келтирар, дегандек...

— Мухаммаджон ака, дунёда шундай кишилар борки, уларнинг кўнгли боланинг кўнглидек нозия. Булар — кексалар, ногиронлар.

— Янги йил арафасида бундай кишиларимизга энг аввало гўшт тарқатишни режалаштирган эдик. Бирон фонд бору гўшт йўқ. Лекин шунга қарамай бар-

ча имкониятларни ишга соғалаймиз. Янгида вилоят ижроқўми тегишли хўналишларнинг маълум миқдорини сўйиш ва биринчи галда кексалар, ногиронларни таъминлаш ҳақида қарор чиқарди. Шу асосда 80 тонна гўшт олинди. 150 тонна гўшт ундирдик ва барча ноҳияларга тарқатдик. Бу гўшт бизнинг ҳисобимиздан бўлиб, имкон ҳарамасида жамоаларга ҳам тарқатилди. Маълумки, ҳозир ширкат дўконларида бир кило гўшт 28 сўм, биз

эса 150 тонна гўштининг хар қилосига 20 сўмдан нарх белгиладик.

Турмуш шароити оғир оғирлар бор. Уларга танқўрлик масаласида нима дедиласиз?

— Биз ярим йил аввал жойлардаги ташкилотлар: ноҳия ижроқўмлари, масжидлар, иқтисодий таъминот бўлиmlарининг хар бирини алоҳида-алоҳида хат юборгандик. Бу хатнинг мазмуни — ногор оилаларга биргилда ёрдам кўрсатиш ҳақида ўзаро бирлашиб иш тутиш масаласи эди. Лекин негадир ҳаузгача жавоб ололмаймиз. Янги йилда шу масала ҳал этилиб қолса, деган умидимиз бор.

Суҳбатдош САЙДОВ.

АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛ

УТИБ бораётган 1991 йил шу қадар шиддаткор, сиёсий-иқтисодий ларзалари шу қадар кучли, мазмун ва моҳияти шу қадар залворди бўлдики, чамаси, тарих ҳали бунга қачонки бошидан кечирмаган. 365 кун мобайнидаги янгиликларни тарихчилар, назарийчи олимлар узоқ вақт шарҳласалар, бўлиб ўтган бир-бирдан фаройиб, бир-бирини инкор этуви кўтилмаган ҳодисалар сирини-сирини чуқур ўргансалар керак. Ёзилажак китоб ва дарсликларда «1991 йилда бўлган эди» деган иборатга жуда кўп дуч келинади, албатта.

Келинг, ўша воқеаларни қисқача кўз олдимишдан ўтказайлик.

■ ИЛ Форс кўрғазидан қонли уруш билан бошланди. «Саҳродаги бурон» қишда тинч саҳро кўларини хар ён тўғатиб юборди: араб олами, бутун Яқин Шарқ ларзатга келди. АҚШ, Англия, Саудия Арабистони Йроққа қарши бошлаган уруш узоқ давом этмаган бўлса-да, дунё жамоатчилигини қатъий ташвишга соғди. Бу уруш ларзаси Болтиқ бўйида «насе-садо» берилган бўлиди. Аввал Ливияда оддий тинч аҳоли билан харбийлар тўқнашди: Вильямс кўчаларига ташилар кириб келди. Оводинки, мустақилликнинг интигани халқ устига ташланган кучлар 18 беғуноқ кишини кўрбон қилди...

■ ХУДИИ ана шу келар СССР олий раҳбарлигида кўтирилган ўғарилар қилдики. Мамлакат бунд вазирилик масъулиятини лавозимга халқ турмушини сария қачалик назарга олмайдиган қалтаб Ш. С. Павлов ташиланди. Шуго Ички ишлар вазири, Бессмертных эса Ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллади. Кўн ўтмай улар тақдир қандай аниқли ақуллашганлиги халққа эди.

■ Бонд вазириликнинг дастлабги қадамларини «насефат» бўлиди. Меҳнатчилар ишхона қилиб баъбарлар кўнларини ўтказди; 80 ва 100 сўмлик кўнларини кўтилмаганда муомаладан олиниши ҳаммаки ташвишга соғиб қўйди, давлатте, унинг сисбатига ялпоячеликни тўғирди. Бунинг устига сандодий тушадиган беш фоизли «спрединг» солиғи, 2 апрелдан эътиборан нархлар кўтариб қўйилди. Давлат оқи-оқиқат молларини, кент истеъмол буюмларини ўз халқига ички-ич-тўғи баробар қимматига сота бошлади. Бундан мансуд истеъмол бозорига молларни қўнайитрини, шу билан одамларнинг лоқай қўлини тўғирди эди. Лекин барбонд Дўноқ пештахталари кўн-қўруқлигича қоллаверди. Иқтисодий таъминоти Ўзбекистонга ҳам етиб келди. Урушдан кейин биринчи марта бизда ҳам талон тартиби жорий этилиб, оқи-оқиқатлар жуда чекланган иқдорда сотила бошлади. Ҳатто оддий туғуртин ҳам дўноқдан кўл қўйиб, рўйхат билан олиш раси бўлди. Мана йнди, иқтисодий ўлган жамсадида эркин нархларга ўтиш тарадули кўрилмоқда. Вилландик, бунинг оқибасти қандай бўларини?

■ ИҚТИСОД — сисбатни белгилади. Утган йил амалга оширилган сиёсий тadbирлар мамлакат раҳбарларининг, аввало собиқ Маршалнинг нима қилди бўлмасин халқни тинчлантиришга, ваъ-

далар билан қоринни тўғнашга ҳаракат қилганлигини кўрсатади.

■ 17 март кун СССР референдуми бўлиди. Марказ Иттифоқни сақлаб қолмиш юзасидан умумхалқ фуқарини билишга қарор қилди. Базми республикалар бу тadbирни оқиқдан-оқиқ байкот қилдилар. Ўзбекистонда ҳам бунга қарши турган кишилар бор эди. Лекин «Янгилашган Иттифоқ» туғилгани эди умидвор бўлиб ССР Иттифоқига қолимиш дед овоз берганлар умумхалқ сўровида кўпчилигини ташкил этди.

■ 12 ИЮНЬ Россия Президентлигига сайлов бўлиди. Бир неча номзод орасидан В. Ельцин кўп овоз олиб (57 фоиз) гўлиб чиқди. Шу кунни тахликали йилнинг бурлиши нуқтиси бўлиб дейиш керак. Шу кундан эътиборан сисбат поссионик демократик кучлар тоғимига оға бошлади. Халқ КПССга, унинг консерватор раҳбарларига қарши очил қурашга ўтди.

■ Эски туғуш тарафдорлари номлоқ чорига бордилар. 19 август кун мамлакатда фахуллоҳда ҳолат эълон қилиб, хар хал Ёлгон-йилликлар билан СССР Президентини қамалда сақлаб турдилар. Янаев, Павлов, Балландондан иборат «Совет давлати раҳбарлигини» жаҳон ҳамжамиятига ҳам мурожаат қилди. Лекин на мамлакат ичкерисини, ва на унинг ташкиратисиди ГКЧПни қўллаб-қувватламадилар. Уч кунгина умр кўрган бу ҳокимиятни демократик кучлар ағдариб ташладик. Унинг ташкилотчилари (шу жумладан СССР Олий Кенгашининг раиси ҳам) қамолда олинди. Унинг тамомлика обрўсизланган, фақат бир ҳоуч раҳбарлар учунгина фароғат жамияти коммунистларни яратиб олган КПСС раҳбарлигини халқ тамомлика юз ўғирди. Август ойидаёқ у тарқатилб воз келди. 25 декабрь кун эса СССР Президентлигидан истеъфога чиқди.

■ ХАЛҚНИНГ наҳр-насаби қўнайганда-кувайиб коммунистлик партия, совет давлатининг асосчиға-ча бандон қилинди, халқ таълим қилиб пойига гулар қўлиб келинган халқлар бирин-кетини олиб ташланди. Кўн ўтмай 7 сентябрда ҳатто кириб ол беғини бўлган шаҳар ўзининг эски номига қайтди. Бу орада мамлакатнинг энг бакуват таъинчи бўлими Украина мустақиллигининг эълон қилиниши Маршални бутунлай тағитиб қўйди.

■ НИМА қилиш керак? Россия, Беларусь, Украина раҳбарлари шу ҳақда бонд қотирдилар. Улар Минскка йиллаб СССРдан, Марнадан бутунлай воз кечдилар ҳанда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига асос солидилар. СССРнинг бутунлай тарқатилгани 31 декабрь кун 11 мустақил жумҳурият раҳбарларининг Олмаотадан учрашувиди узил-кесил айтилди. Шу тарада 70 йилдан ортироқ Москвадан туриб бошқариб борилган, 80 дан ортиқ вазирилик ва маҳкамаларининг илмони билан ушлаб турганда ишларини баробд бўлиди.

■ 93 тақдирини қайтадан яратётган Ўзбекистон деридаги воқеалар янмиж ҳам асрларга қитиғулики бўлиди. Бу воқеалар санаси 31 августдан бошланди. Шу кун Ўзбекистон Олий Кенгашининг навабдан ташқари VI сессияси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини тантанали равишда бутун дунёга эълон қилди. Бу шонли воқеа шароити 1 сентябрь Мустақиллик байрами сифатида ишонанланди. Шу кун эл-юртинда катта тантаналар

бошланб кетди, кечкурун жумҳуриятимиз пойтахти осмон катта мушаббоқликдан чарогон бўлиди. Тошкентнинг Бош майдони Мустақиллик номи билан юртликда бошланди.

■ ХАЛҚ эркин нафас ола бошлаганлиги, демократия сари дадил қадамлар қўйила бошлаганлиги хар бир тadbирда ўз инфодасини тоға бошлади. Бирин-кетин янги ташкилот, партия ва ҳаракатлар қонуний равишда фаолият кўрсатишга киришдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Эри» партияси, «Бирлик» ҳаракати, «Эл» халқаро ташкилоти расий равишда рўйхатдан ўтдилар.

■ Истиқлолнинг ички қўнғилдан қўлаб, бизни табриклаган жаҳон ўзбеклари Тошкентга келтишди. Бу ерда шунингдек, 50 дан ошиқ мамлакат вакили иштирокида ишбилармонлар йиғилиши бўлиди.

■ БИЗ амалга ошираётган улутвор ишларни ўзбек халқининг сувоқли фарзанди ҳарат Алишер Навоий кўзатиб тургандек, ўз маърифат эиеси билан ёритиб тургандек бўлиди. Зотан 1991 йил Ўзбекистонда Алишер Навоий йили деб эълон қилинган эди. Халқ ўзининг буюк мутафаккири туғилган кунини 550 йиллик маъракасини муносиб ишонлади. 28 сентябрь кун Тошкентда улут бонимига ўрнатилган мушташам ёдгорлик очилди. Янги ташкил тоғган Ўзбекистон миллий боғида Навоий туғилган кунни тантаналар узоқ-яқиндан келган кўндан-кўн меҳмонлар иштирокида ишонлади. Эрталаб катта дошқозонларда ош дамлаб, эл-юртта тортиди. Шу кунни ўзбек халқи ўзининг арлоқли фарзандларини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасини Давлат мукофоти билан шарофлади. Булар миллий истиқлолнинг учун жон фида қилган, лекин мана шу ёруғ қўнларга етиб келолмаган Абдулла Қодирий, Чўпон, Фитрат ва шунингдек бир гуруҳ санъат арбобларидир.

Жумҳурият Президенти И. А. Каримов адолатини қарор топтириш, қадриятларимизни тиклаш юзасидан бир қатор фармонларга имзо чекди. Маъшуқ «накта иши» билан беғуноқ жамоалардан оқланди.

■ МУСТАҚИЛЛИКни кўлга киритган Ўзбекистон билан дўст бўлишга, иқтисодий, маданият ҳамкорлиги қилишга эҳд қилган қон-қардошлар қўнаб бошлади. Қирғизистон, Туркменистон, Украина, Беларусь, Россия билан, бошқа қардош ўлкалар, вилоятлар билан икки томонлама манфаатли тенгқўнлик асосидан алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистонни дунё эътироф эти бошлади. Биринчи бўлиб Туркия жумҳурияти таниди, сунгра Руминия, Миср Араб Жумҳурияти, Швейцария, Литва, Монғолия Халқ Республикаси, АҚШ, Япония...



■ ИЛИННИНГ сўнги кўнлари ўзбек халқи ўз хоҳиш иродасини ифода этиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини тўла маъқуллаб чиқди. Утган яншанда кун бўлган умумхалқ сўровининг яқини шундай. Мустақил жумҳуриятимиз ўзининг муносиб раҳбарини демократик асосда сайлади.

УМИД ҚИЛАМИЗКИ, ҳамма тахлика ва ташвишлар, самарасиз ўзғаришлар, жонга теккан қайта қуришлар 1991 йил билан бирга қолади, янги 1992 йил яхшилик, омонлик, тўқинчилик сари етаклайди.

С. МУСАЕВ.

ЦИРКДА ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

ТОШКЕНТ Давлат циркида катта байрам дастурини қамраб олган Янги йил томошалари намойиши бошланди. Суратларда ана шу томошалардан лавҳалар акс эттирилган.



Янги ананалар ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ИҚТИСОДИЙ қийинчиликлар шароитида энг кам таъминланган аҳоли табақаларига эътибор кўчатирилиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу маънада Президентимизнинг қатор фармонлари чиқарилди ва улар амалда ўз аксини топа бошладилар. Жумладан, ўрта махсус билим ва олий ўқув юртлири талабаларига қатор қулайликлар яратилмоқда. Лекин шунга қарамай, талабалар олдидан талайгина муаммо ва қийинчиликлар ҳам пайдо бўлди. Айниқса, нарх-наво ошиби бораятган бир пайтда улар анча қийин аҳволга тушиб қолди. Бу борада фақатгина ота-оналарнинг ёрдами кифоя эмас. Чунки улар берган пул, бугунги шароитда талабанинг овқатига, ёки айтилган қийинчиликка ҳам етмай қолди.

Шунингдек, учрашувда депутатлари Галаба ноҳияси Кенгаши ва ноҳия ижроия қўмитаси раҳбарлари ташаббус билан Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган талабалар билан учрашув уюштирилди. «Огонёк» шўро хўжалигининг «Бахт уйи»га ноҳия ҳудудида истиқомат қилувчи барча талабалар тушланди. Шунингдек хўжалик раҳбарлари, касба уюшмалар қўмиталарининг раислари, шаҳар ва қишлоқ Кенгаши ижроия қўмиталарининг раислари ташриф буюришди. Янги йил байрами олдидан бир пайла чой устида талабалар билан дилдан суҳбат бўлди. Турли мавзуларни қамраб олган суҳбатда ноҳия талабалари олдидан пайдо бўлган муаммолар ҳам муҳофиза қилинди. Давра суҳбатини халқ депутатлари ноҳия Кенгаши раиси Рустам Каримов очиб, жумладан шундай деди:

— Мазкур тадбирни ўтказишимиздан мақсад ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида озгина бўлсада ноҳиямиз талабаларига моддий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлса, ана уларни хўжалик раҳбарлари билан яқиндан таништириш, чунки ноҳиямиз келажак сизларнинг қўлигизда. Шунинг учун ҳам ўқув юртлирида пухта билим олиб, уни ноҳия келажак йўлида сарф қилиш ҳақида ўйлашимиз керак. Биз ишонамизки, сизлар албатта бу ишончни шараф билан оқлаб, ноҳия шон-шухратини кўтаришга ўз ҳиссаларингизни қўшасизлар.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЎРТА ЧИРЧИҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Бу янгиликлар ҳақида менга Ўрта Чирчиқ район ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Ҳамид Норқулов сўзлаб берди. Унинг гапларини тинглаб эканман, ҳайлимдан Тўйтапада сўнгги йиллар ичида қад кўтарган замонавий дўконлар, мактаблар, болалар боғчалари кўз ўнгимда гавдланди. Уларнинг ҳаммасини бунёд этишда бугунги шаҳарсозлик талабалари иложи борича ҳисобга олинди. Айниқса ноҳия марказига астойдил рағб солган киши, бу ердаги кенгликни, биноларнинг бири-бирига мослигини кўриб кўнайдим.

Яқинда ана шу гўзаллик яна ҳам бойиди. Шарқона услубда қурилган оталар чойхонаси узунка кўз қўйгандек шаҳарча чиройига ярашиб тушди. Бинони қуриш, дид билан безашда «Эллада» ширкати аъзолари, чойхона жойлашган Пушкин номидаги маҳалла аҳли астойдил жонбозлик кўрсатдилар.

Яқинда районда Тошкент шаҳрида билим олаётган талабалар билан учрашув бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида толиб илм эгаларидан кўпчилиги моддий ёрдам кўрсатилди. Байналмиал жангчилар билан бўлган худди шундай учрашувда «афгончилар»га 30 миң сўмлик турли совғалар топширилди. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши, мەҳнат фахрийлари ҳам тақдирландилар.

С. ҲАСАНОВ.

Ҳар тўғрида

НОВЧАЛАРГА ҲАВАС ҚИЛИНГ...

Чунки инсон қанчалик узуи бўлса, шунчалик юрак оғрингидан узоқ бўлади. Бостон олимпилари узоқ кузатишлардан сўнг шундай қарорга келишди.

БОЛАНИ АСРАЙ ДЕСАНГИЗ...

Серҳаракаг йўллар ёнидаги бенгиларда уларни энг-дўр ерга қўйманг. Яхшииш қўлга қўтариб олиниг. Гап шуки, автотранспортдан чиққан захарили газлардан иборат чинкидилар ердан бир метр баландликда ҳўланади ва биринчи навбатда кичкинтойларга хавф солади.

ОЛМОС АЛБАТТА ЯХШИ, БИРОҚ...

Олмоснинг ҳақиқий ватани — Ҳиндистон ҳисобланади. Бу қилмишга тош ҳақида жуда қўлайлиқлар йўқ. Айтаётганларча, янги пайтда қайси сарқардада катта олмос бўлса, ўша томон қўлиб келади. Кейинчалик аса қилдида кўл олмос бўлса бахт келтиради деган тугунача шакллади. Бирок, афсуслики, бу тугунача ҳам ўзини оқлаб қолмайди. Масалан, Қўрғиас Карл жанг олдидан барча қўлларига олмос тақриблар табиқ олганга қарамай, қўлини батамом тор-мор қилишди...

МУҲАРРИРИЯТДАН

«Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 18 декабрь сонидан эълон қилинган А. Маҳмомовнинг «Арабизми ишти-тинг-да, ахир!» сарлавҳали мақолини тайёрлашда рўнома ходимининг айби билан хатотилика йўл қўйилган. Мақолада таъкидланган Сусам алоқа тармоғи Оқўрғон ноҳиясида эмас, балки Охангарон ноҳиясида жойлашган. Оқўрғон деб нотўғри кўрсатилган. Муҳарририят Оқўрғон ноҳияси алоқа ходимларидан йўл қўйилган хатотилик учун уэр сўрайди.

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

ЧОРВОҚ ГЭСИ қурилиш бошқармаси кўричилиш «Хўжакеит» шўро хўжалиги меҳнатчиларининг фаровандлари учун ағойиб янги йил совғаси тайёрлашди. Энди Чирчиқнинг қишлоқидан Наринмаов номли 13-Ўрта мактаб ўқувчиларининг асосий қисми кишини таътидан қайтариларидан сўнг барча қўлайликларга эга бўлган замонавий тилдаги билим ўчоғида таҳсил олиш бахтига муваффақ бўладилар. Мактабда 350 ўринли қўшимча бино фойдаланишга топширилди.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

«КОЗОҒИСТОН 30 йиллик» мамон хўжалигидаги Соёлиқ қишлоғида янги нов цехи қурилоб фойдаланишга топширилди. Цех фаваллеит нов заводининг тармоғи сифатида иш юритилмоқда. Бу ерда айни пайтда куниста 400—500 тадан нов тайёрланади, аҳолига сотиламоқда. Келгуси йилдан цехни кенгайтириш режалаштирилган. Агар бу режа амалга ошаётган бўлса, қўшни Қалинчи номли мамон хўжалигидаги Хондайлик қишлоғи аҳолисини ҳам нов билан таъминлаш имконияти туғилади. Хозирча сойликчилар бундай қўлайликдан бошларини кўна — етмоқда. Цехни Соёлиқ қишлоғи боғани оғалликка олганлиги учун шўра шайтга фойдаланиш 50 фоизи унинг ихтиёрига ўтказилган.

КИЧКИНТОЙЛАРГА АТАЛГАН

ҲАЗАЛКЕНТдаги «Бураино» болалар боғчаси кичкинтойлари учун ноҳиянинг бир қанча корхоналари янги йил совғаси сифатида маблаг аяратишди. Жумладан, болаларнинг соғлом ва тегини ўсишлари учун ноҳия ҳуриллиш банкис 2 миңг, Ҳазалкент консерва заводи миңг, тажриба—саноат виночилик заводи миңг сўм пул ўтказиб, меҳр-муруват кўрсатишди. Бу маблагнинг асосий қисмига кичкинтойлар учун ўйинчоқлар сотиб олинди. Маҳман ФАТТОХОВ.

Билиб қўйган яхши «МЕЪЁР АЛ—АХЛОҚ»

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! Аввалги чирчиқларимиздан бирида тоғик биродарларимиз «Васиятномаи Мухаммад пайғамбар, Меъёр ал-ахлоқ» номли рисолати чоп этганиларни ҳақидаги маълумотни айтиб, жаноби Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаломнинг амир ал-муъминин Али ноин Абу Толб карамаллоҳу ваҳага айтган ибратомуз сўзларидан айримларини ўзбек тилига ўғириб, чоп қилган эдик.

- Илм бошга тоғидир, мол (бойлик) бўйидаги кишин.
- Неъматларининг завол тоғишга сабаб уларга шукур қилмай, кўнамакчи қилишдир.
- Фақирликнинг сабаби исрофдир.
- Тубалликнинг сабаби таъмадир.
- Наҳотнинг сабаби тўғрилидир.
- Такаббураликни тарк эттиш ва мулоҳазалик буюкликка сабабдир.
- Агар қайғусиз бўлмоқчи истасанг, ҳасадчи бўлма.
- Агар ёлғончи бўлишни истамасанг, қилмаган ишнинг қилдм деманг.
- Агар ортингда кулишларин истамасанг, қадим ташлашингни яхшила.
- Агар ўзининг узун бўлишини истасанг, қўлингни қисқа қил.
- Икки нарса ўз соҳибига ёмонлик этмазуви булади: (жаҳли) тезлик ва (қўли) қаттиқлик уламога; шармисизлик аёлларга (ёмонлик) етказад.
- Агар юрагинга жароҳат еттишни истамасанг, нотдон ва аблаҳ кимса билан тортишма.

Янги фильм «ШАРҚНИНГ УЙҒОНИШИ». IX—XI АСРЛАР ФАРАЗЛАРИ ВА ВОҚЕАЛАРИ

Тошкент хўжатли киночилари яратган янги фильмни қисқагина қилиб Ўрта Осиё уйғониш даврига сәҳат, деб таърифлаш мумкин. Янги йил арафасида кино уйида «Шарқнинг уйғониши. IX—XI асрлар фаразлари ва воқеалари» деб аталган эллиқ дақиқали фильм муваффақиятли намойиш этилди. Сценарий муаллифи Тошкент иккинчи тиббиёт илгоҳининг ёш ходими, филлар доктори Владимир Исоқов, режиссёр Шухрат Қурбонбоев, тасвирчи Тулқин Рўзиевлардир.

Мазкур филсафий асарда Ўрта Осиё маданиятининг гуллаб-яшнаши, шу кўнарларга сақланиб қолган ноёб меъморий обидалар ҳақида қиёқ қилинади. Фильм ўзинга хос режиссёрлик ечим билангина қизиқарли эмас. Унда сценарийчи В. Исоқовнинг ўзи бошловчи вазифасини бажарганлиги фильмга ўзинга хос алоҳида хусусият бағишлайди. Олим Ўрта Осиё уйғониш даври тарихини гоят яхши билади, анқ мисоллар ёрдамида бу ерда IX—XI асрларда маданият гуллаб-яшнаганини, у ўнда турли халқларнинг ютуқларини муҷассамлаштирганини исботлаб берди.

Фильм мусиқаси ҳам унга ўзинга хослик касб этган. Куйларининг ҳаммаси қадимий торли асбобларда ижро этилади. (ЎзТАГ муҳбири).

Тожик тилидан Дилмурод САИДОВ таржималари.



ПОИТАХТДАГИ Фетох Умаров номли 276-мактабда (Октябрь ноҳияси) алифбе байрами бўлиб ўтди. 1-д ва 1-е синфлари ўқувчилари мураббийлари



Эътибор Ҳамидова ва Нафиса Иноғомова бошчилигида байрамга кўхта таъйиғарлик кўришди. Суратларда: алифбе байрамидан лавҳалар. Суратнам Х. ШОДИЕВ.

Тошкент ҳақиқати БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32. Муҳаррир ўринбосарлари — 325885, 325747, 325748, 327916; насъл котиб — 324808, 325353; насъл котиб ўринбосарлари — 325750; бўғиллар шўролар ҳақи — 325778, 327010; илтимомий масаллар — 325648; илтимомий адабёт ва санъат; илтимомий кадрлар — 325553; илтимомий асарлар ҳақи, асарот ва спорт — 325558, 325618; хатлар ва оқмавий ишлар — 325354, 324048; тижорат бўғили — 325733; мамончи кенгаш қабулхонаси — 325354, 324048; эълонлар — 325666.

).

ки-
ту
дан
ва
аси-
рен-

ош-
ни-
Ма-
гад-
ди.
ош
ур-
уст-
ри-
иш-
ҳия
иат.
ни-
шга,
она-
май
ииз.

вда
Н.
Ш.
ова-
гун-
аш-
уро
аси
ис-
уро
жа-
ши-
оев,
ху-
ли-
иж-
А.
қи-

уз
бил-
ҳар
жа-
та-
сум-
иш-
нинг
йла-

рли
ҳия
бат-
иди-
кчи-
қол-

3.

3.

гил-
ари,
иш-
ича

150

би-

мли
сига
лан
орт-

раб

кат-
иза,
су-

Тег-
119,
).

Д

